

## АНВАР ШОҲ КАШМИРИЙ ҲАҚИДА ҚИЛИНГАН ТАДҚИҚОТЛАР

*Низомиддинов Ҳошимжон Муҳаммаджонович*  
Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси докторанти

Ўзбекистон, Тошкент

+998901682955

[hoshimjonnizomiddinov@yandex.ru](mailto:hoshimjonnizomiddinov@yandex.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада аллома, муҳаддис Муҳаммад Анвар Шох Кашмирий (1875-1935 йй.) ҳаёти ва илмий фаолияти хусусида олиб борилган тадқиқотлар ва ёзилган асарлар ҳақида қисқача таҳлилий маълумотлар баён этилган. Муҳаддис олим ҳақидаги маълумотларни атрофлича тадқиқот олиб бориш натижасида маълум бўлдики, у ҳақда ёзилган асосий манба ва тадқиқотларни шартли равишда уч қисмга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар араб, урду ва турк тиллардаги тадқиқотлар ҳисобланади.

**Annotation:** This article provides a brief analysis of scholar Muhammad Anwar Shah Kashmiri's (1875-1935) research and written works on his life and scientific activity. A thorough investigation of information about the scholar Muhaddis revealed that the main sources and research written about him can be conditionally divided into three parts. These are Arabic, Urdu, and Turkish language studies.

**Калит сўзлар:** Тадқиқот, мақола, Муҳаммад Анваршоҳ Кашмирий, китоб, маълумот, аллома, илм, Девбанд, дорул-улум, университет, нашр, тил.

**Keywords:** Research, article, Muhammad Anvarshoh Kashmiriy, books, scholar, information, knowledge, Devband, dorul ulum, university, publication, language.

Асрининг ҳофизи, муҳаддис, муфассир, фақиҳ, тилшунос, шоир, имом, шайх, буюк Аллома Муҳаммад Анвар Шох Кашмирий ибн Шайх Муъзам Шох Кашмирий бутун умр илм-маърифат таратиб, ҳақли равишда “Аллома”, “Замонасининг Байҳақийси” каби номлар олган. Бундай улуғ зотларнинг ҳаётини ўрганиб янги авлодга намуна, ўрнатки сифатида етказиш, асарларидан илм аҳлининг кенг фойдаланиши учун уларнинг ҳаёт ва фаолиятларини қайта-қайта ўрганиб, тадқиқотлар олиб бориш, мақола ва асарлар ёзиш керак бўлади. Ана шу мақсадда дунёнинг кўплаб олимлари Аллома Кашмирий ҳақида тадқиқотлар олиб боришган. Олиб борилган тадқиқотларни излаб, улар ҳақида маълумот тўпланганда бу тадқиқотлар шартли равишда асосан уч тилда – араб, урду ва турк тилларида амалга оширилгани маълум бўлди. Буларнинг асосий қисми китоблар ҳисобланади, ундан ташқари магистирлик ва докторлик диссертация иши ҳамда мақола сифатида нашр этилганларини ҳам келтирилди.

**Араб тилида олиб борилган тадқиқотлар:**

1. “Нафхату-л-анбар фи ҳаяти имамил-аср аш-Шайх Анвар” Муҳаммад Юсуф Баннурийнинг қаламига мансуб бу асар Кашмирий билан алоқадор қимматли маълумотларни ўзида жамлаган бўлиб, ўзидан кейинги кўплаб тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Баннурий Кашмирийни китобида устозини илм кишиси, тафсирчи, ҳадисшунос, фақиҳ ва адабиётчи сифатида кўрсатган. “Мажлисул илмий” томонидан қилинган сўнги нашрда бу асар 349 бет бўлиб нашр этилган<sup>1</sup>.

2. “Мукаддимату ятимату-л-баян фи шайъин мин улумил-Куръан, Муҳаммад Юсуф Баннурий бу асарида “Нафхату-л-анбар” асарида зикр этмаган маълумотларни келтирган. Бу асар Карачида “Мажлисул илмий” томонидан нашр этилган.

3. “Акидату-л-ислам” ва “Мушкилату-л-Куръан” мукаддималари ҳам Муҳаммад Юсуф Баннурий томонидан нашр этилган.

4. Муҳаммад Абдуллоҳ Форук Ансорий томонидан “Аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шоҳ ал-Кашмирий ва Араҳул-иътиқодийя” мавзусида Уммул Куро университетида 2000 йилда магистирлик десертация иши сифатида тадқиқот иши олиб борилган. Унда Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги далиллар, Аллоҳнинг сифатлари, Аллоҳни кўриш, қазо ва қадар, ислом, иймон, куфр, нубувват, қиёмат аломатлари, қабр азоби ва шафоат каби эътиқодий масъалалар ҳақида Кашмирийнинг қарашлари баён этилган<sup>2</sup>.

5. Шоҳид Расул Кокохел томонидан “Аллома Муҳаммад Анвар Шоҳ ал-Кашмирий фи Давъи Интажатиҳил адабийя вал-илмийя” номли докторлик иши амалга оширилган. Ушбу тадқиқот иши Покистоннинг Боҳаланпур ислом университетининг араб тили ва адабиёти бўлимида 2009 йили ёқланган ва Кашмирийнинг фикҳ, тафсир, адабиёт мавзуълари кенг ёритилган<sup>3</sup>.

6. Мустафо Фазлурроҳман Абдулборий томонидан “Таржихатул-Кашмирий ва ихтиятотухул-фикҳийя мин хилали шарҳиҳи лит-Тирмизий фи китабис-солат” номли докторлик иши 2014 йилда Малайзиядаги Мадина ислом университети ислом илмлари факултетига амалга оширилган бўлиб, “Сунан Термизий” асари, “Намоз” китобига ёзган шарҳи орқали Кашмирийнинг таржихлари, аниқроқ деб билган жавобларини ўрганади.

7. Насир ибн Сайф Насир томонидан “Тааққубатул-Кашмирий фи китабиҳи Файзул-бари ала-л-Ҳафиз Ибн Ҳажар фи китабиҳи Фатҳил-барий” номли тадқиқот иши Урдун университетида 2008 йил магистирлик иши сифатида амалга оширилган.

<sup>1</sup> Юсуф Баннурий. Нафхатул анбар фи ҳаяти Анвар.–Каротиший:Мактабатул Баннурийя. 2 нашр.1424.–Б. 349.

<sup>2</sup> Муҳаммад Абдуллоҳ Ансорий. “Аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шоҳ Кашмирий ароҳул иътиқодийя”. Уммул Куро университети. Макка 2000. – Б. 400.

<sup>3</sup> Шоҳид Расул Кокохел. “Ал-Аллама Муҳаммад Анвар шоҳ Кашмирий фий довъи интажатиҳи-л-адабийяти вал илмийя”. Баҳавалпур ислом университети. Покистон, 2009. – Б. 300.

8. Абдулфаттоҳ Абу Ғудда томонидан битилган “Тарожиму ситта мин фуқаҳаил-аламил-ислами фил-қарнир-робий ашар” асари йигирманчи асрда яшаб ўтган олти фақиҳ ҳақида маълумот беради. Аба Ғудда китобида биринчи навбатда Кашмирийга жой бериб, у ҳақда кўпгина муҳим маълумотлар бериб ўтган.

9. Кашмирийнинг “Ат-тасриҳ бима таватаро фи нузулил-Масиҳ” номли асарига Абдулфаттоҳ Абу Ғудда муқаддима ёзиб, Кашмирийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериб ўтган<sup>4</sup>.

10. Убайдуллоҳман Тоййиб томонидан ёзилган “Аллама Анвар Шоҳ ал-Касмирий адваъ ала ҳаятиҳи ва ароиҳи фи илми-т-тафсири” номли мақола Девбанд университетининг ойлик журналида 2014 йили Кашмирийнинг тафсирига доир қарашларини таҳлил қилиб нашр этилган.

11. Муҳаммад Шакиб Қосимий томонидан “Ал-Имам ал-Кашмирий ва васайлут-тадрис” номли илмий иш қилинган ва унда Кашмирийнинг таълим методларини ўрганган.

12. Абдулхай ибн Фахриддин Хусайний томонидан “Нузхатул-ховатир ва баҳжатул-масамиъ ван-навазир” номли асарда Ҳиндистоннинг таниқли шахсиятлари тилга олинган бўлиб, саккизинчи жилдида Кашмирий ҳақида маълумот келтирилган.

13. Абдуллоҳмон Берунийнинг “Уламау Девбанд ва ходалатуҳум фи илмил-ҳадис.

14. Аҳмад Эмре Ойдинли томонидан “Муҳаммад Анвар Шоҳ Касмирий ва Маорифус-сунан китобидаги Сунан Термизийни шарҳлаш услуги” Урдунда 2019 йил магистирлик иши сифатида амалга оширилган.

#### **Урду тилидаги тадқиқотлар:**

1. “Нақши Давам” номли урду тилида Кашмирийнинг невараси Анзар Шоҳ Масъудий Кашмирий томонидан ёзилган асарда ҳам Аллома Кашмирий ҳақида жуда муҳим маълумотлар келтирилган. Байтул ҳикма Девбанд томонидан 1978 йили 484 бетда нашр этилган<sup>5</sup>.

2. Хуршид Ҳасан Қосимийнинг “Дарул-улум ор Девбанд ки тарихи шахсийят” номли 169 бетли асари “Мақтабату тафсири Қуръонил мажиди Девбанд” томонидан нашр этилган.

3. Сайид Маҳбуб Ризвийнинг “Тарихи дарул-улум Девбанд” номли тадқиқот иши 2005 йили Лаҳордаги “Мизон” нашриёти томонидан нашр этилган.

<sup>4</sup> Абул Ғаттоҳ Абу Ғудда. Муқаддиму ала “Ат-тасриҳу бима тавотара фи нузули Масиҳ ли Анвар Шоҳ Кашмирий. – Байрут: Дорул қалам. 5 нашр, 1412. – Б.13.

<sup>5</sup> Анзар Шоҳ ибн Анвар Шоҳ. “Нақши давом ҳаёту Муҳаммад Шоҳ Кашмирий”. Мақтабатул матбаатил исломийя, Ҳалаб 1997. – Б. 960.

4. Абдулқайюм Ҳаққонийнинг “Жемали Анвар тезкира ва севаниҳ” 154 бетли тадқиқот иши Қосим академияси томонидан нашр этилган.
5. Кашмирийнинг ўғли Анвар Шоҳ Масъудийнинг “Наводироти Имам Кашмирий” невараси Аҳмад Хидир Шоҳ киритган ўзгаришлар билан “Мейман Исламик Букс” томонидан 198 бетли асар сифатида нашр этилган.
6. Абдурраҳман Кондонинг “Ал-Анвар” номли 771 бетли тадқиқот иши “Надватул мусаннифин” томонидан нашр этилган.
7. Сайид Сулаймон Надавийнинг “Ёди рефтеган” номли 228 бетли асарининг 146-148 бетларида Кашмирий ҳақида маълумот берилган.
8. Муҳаммад Анварийнинг “Анвари Анварий” номли 292 бетли асари “Жомиату арабиёти аҳсанул улум” томонидан нашр этилган.
9. Муҳаммад Зафируддин Соҳибнинг “Машаҳири уламаи дарул-улум Девбанд” номли асари Девбанд университетида фаолият олиб борган машҳур устозлар ҳақида ёзилган бўлиб, Кашмирий борасида 52-54 бетларда маълумот берилган.
10. Кашмирийнинг машҳур шогирдларидан Аҳмад Ризо Бекнурийнинг “Малфузати муҳаддис Кашмирий” асарида Кашмирийнинг ҳадис дарсларидаги кўпгина маълумотлар келтирилган.
11. Ғулом Муҳаммаднинг “Аллама Анвар Шоҳ Кашмирий ки илми Карнаме” асари.
12. Абдулҳалим Нуъмонийнинг 1978 йилда “Тавн маориф” томонидан нашр этган мақоласи<sup>6</sup>.

#### **Кашмирий ҳақида Туркияда олиб борилган тадқиқотлар:**

1. Ҳорун Ўзжелик томонидан “Файзу-л-борий шарҳу Саҳиҳ Бухорий”. Туркиянинг Отатурк университети ижтимоий билимлар институтида 2002 йилда докторлик диссертацияси сифатида амалга оширилган бу тадқиқотда Кашмирийнинг ҳаёт ва фаолияти билан бирга “Файзу-л-борий” асарининг манбалари, шарҳлаш методи ва “Саҳиҳ Бухорий”нинг бошқа шарҳлари орасидаги ўрни ҳақида баҳс юритилади.
2. Ҳорун Ўзжелик томонидан “Кашмирийнинг баъзи ҳадис масъалалари ҳақидаги қарашлари” номли мақола Туркиянинг Отатурк университети Илоҳиёт факултети журналида нашр этилган. Бу мақолада Кашмирийнинг ҳадис илмига тегишли ўнга яқин масъалалардаги қарашлари баён этилган.
3. Муҳаммад Рашид Акпинарнинг “Кашмирийнинг ҳуқуқ тушунчаси” Газиантеп университети ижтимоий билимлар институтида 2017 йилда докторлик диссертацияси сифатида амалга оширилган бу тадқиқот “Инсон яйинлари”

<sup>6</sup> Иброҳим Анар. “Анвар Шоҳ ал-Кашмирийнинг ҳадисчилиги”. Караман ўғли Меҳметбей университети, ижтимоий фанлар институти. Караман, 2020. Б:186.

нашриётида чоп этилган. Унда Кашмирийнинг фақиҳлиги ҳар томонлама ёритилган.

4. Сердар Мурат Гурсес томонидан “Кашмирийнинг “Ал-арфуш-шазий” ва Муборакфурийнинг Тухфату-л-аҳвазий” асарлари ҳанафий ва салафийларнинг ҳадисларни шарҳлаш услубларини солиштирилиши”. Бу тадқиқот Инону университети ижтимоий билимлар институтида 2018 йилда докторлик диссертацияси сифатида амалга оширилган.

5. Иброҳим Анар томонидан “Анвар Шоҳ Кашмирийнинг ҳадисчилиги” номли докторлик диссертация иши амалга оширилган. Бу илмий иш Караман ўғли Меҳметбей университети ижтимоий фанлар институтида 2020 йили 186 бетда нашр этилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, араб, урду ва турк тилларида Аллома Анвар Шоҳ Кашмирий ҳақида, унинг илмий фаолияти ва ижодиёти борасида кўпгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилгани маълум бўлди. Аммо булар ҳали алломани танитиш учун қилинган хизматлар ҳолос. Унинг илмий меросини чуқурроқ ўрганиш масаласи ҳалигача долзарб масъала бўлиб қолмоқда. Қолаверса, бор тадқиқотлар ҳам асосан учта тилда мавжудлиги бу борада дунёнинг кўплаб давлатларида ва жаҳон тиллари сирасига кирадиган инглиз, рус, испан, франсуз, хитой каби тиллар, қолаверса, ўзбек ва форс тилларида ҳам бундай тадқиқотлар олиб бориш ва ёш авлодни Анвар Шоҳ Кашмирийдек улуғ зотлар меросидан баҳраманд қилиш ҳар қачонгидан муҳим бир иш бўлиб қолмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:**

1. Абул Фаттоҳ Абу Ғудда. Мукаддимату ала “Атгасрийҳу бима тавотара фий нузули Масийҳ ли Анвар Шох Кашмирий. – Байрут: Дорул қалам. 5 нашр, 1412. – Б. 13.
2. Юсуф Баннурий. Нафҳатул анбар фи ҳаяти Анвар. – Каротиший: Мактабатул Баннурийя. 2 нашр. 1424. – Б. 349.
3. Анзар Шох ибн Анвар Шох. “Нақши давом ҳаёту Муҳаммад Шох Кашмирий”. Мактабатул матбаатил исломийя, Ҳалаб 1997. – Б. 960.
4. Муҳаммад Абдуллоҳ Ансорий. “Аш-Шайх Муҳаммад Анвар Шох Кашмирий ароухул иътиқодийя”. Уммул қуро университети. Макка 2000. – Б. 400.
5. Иброҳим Анар. “Анвар Шох ал-Кашмирийнинг ҳадисчилиги”. Караман ўғли Меҳметбей университети, ижтимоӣ фанлар институти. Караман, 2020. Б: 186.
6. Шоҳид Расул Кокохел. “Ал-Аллама Муҳаммад Анвар шох Кашмирий фий доъби интажатиҳи-л-адабийяти вал илмийя”. Баҳавалпур ислом университети. Покистон, 2009. – Б. 300.